



Йигирма йил аввал хам фанда атомнинг тузилиши хакида шундай тасаввур мавжуд эдики, унга кўра атомни ташкил килувчи энг майда зарралар протон ва нейтронлар хисобланарди. Аммо илмий технологияларнинг ривожланиши натижасида инсоният яна бир кизикарли кашфиётга эга бўлди. Маълум бўлишича, протон ва нейтронлар хам ўз навбатида янада майдарок зарралардан ташкил топган экан. Бу зарраларни ўрганиш бугунги кунда фанда янги соҳанинг – элементар зарралар физикасининг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу зарралар кварклар деб аталди.

Бир минг тўрт юз йилдан буён инсониятни хидоятга йўллаб келаётган мукаддас китобимизда шундай оятларни ўқиймиз:

«...Осмонлар ва ердаги бир зарра мисолчалик, ундан хам кичик (ёки) катта бирон нарса (Аллох)дан махфий бўлмас – албатта, очик Китобда (яъни Лавхул-Махфузда у) мавжуд бўлур». Сабаъ сураси, 3-оят.

«...Еру осмондаги бир зарроа мисколичалик, ундан хам кичикрок (ёки) каттарок бирон нарса Парвардигорингиздан махфий бўлмас – албатта, очик Китобда (яъни Лавхул-Махфузда) мавжуд бўлар». Юнус сураси, 61-оят.

Ояти каримадаги зарра сўзини бирор моддани ташкил килувчи майда зарраларга, айнан физикада кўлланиладиган элементар зарралар маъносида хам тушуниш мумкин. Куръони Каримда биз билган зарралардан хам майдарок зарралар борлигига ишора килинган.